

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

50-сон
(810)
2017 йил
18 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1225. «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5273-сон Фармони
1226. «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПФ–5283-сон Фармони
1227. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПҚ–3430-сон қарори

Учинчи бўлим

1228. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасининг низомини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 976-сон қарори
1229. «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида актёрлик санъати таълим йўналишида махсус сиртқи бўлимни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 977-сон қарори
1230. «Тошкент вилоятининг айрим аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 декабрдаги 981-сон қарори

Бешинчи бўлим

1231. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 1 декабрдаги 2017-66, 1-6/29-1434/8, 158-мқ-сон «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955*)
1232. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8-сон «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қондаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-2*)
1233. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 01/29-10/27, 151-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-5*)

1234. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2017 йил 16 ноябрдаги 157-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қодаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-7*)
1236. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-2*)
1237. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 2 декабрдаги 33/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-1*)
1239. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2017 йил 4 декабрдаги 41-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1551-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 9 декабрдан 15 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1225 Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

2003 йилдан буён тадбиркорлик субъектларини «ягона дарча» тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекциялар деб юритилади) томонидан амалга ошириб келинган.

2016 йил 1 январдан бошлаб Инспекциялар негизида Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (кейинги ўринларда Ягона марказлар деб юритилади) ташкил этилди.

2017 йил 1 февралдан Ягона марказларнинг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши мазкур соҳани ривожлантириш бўйича кейинги қадам бўлиб, вертикал бошқарувни шакллантириш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш имконини берди. Натижада Ягона марказлар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 33 тагача ошди.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги «Doing Business 2018» глобал рейтингдаги «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига айрим тизимли муаммолар тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрса-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 13 декабрда эълон қилинган.

тиш имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаролар ханузгача турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлмоқда;

иккинчидан, қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг мавжуд эмаслиги, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишни таъминламаяпти;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомиллари мураккаб ва фойдаланиш учун қийин бўлиб қолмоқда, нархни шакллантириш механизмлари шаффоф эмас, алоҳида ҳолларда тор идоравий манфаатларда «монополь» хизматлар кўрсатишга талаблар белгиланмоқда;

тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада эканлиги, қоғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқаролар кўп вақт кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига ҳамда оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари кўрсатишни, шу жумладан реал вақт режимида масофадан мониторинг қилиш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали назорат қилиш ва сифатини баҳолашнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган омиллар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш имконини бермайди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятини тубдан ошириш орқали «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган улугвор ғояни сўзсиз амалга ошириш;

иккинчидан, Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича хизматларни тақдим қилувчи Давлат хизматлари марказларига ўзгартириш;

учинчидан, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра давлат хизматлари кўрсатиш механизмини, энг аввало, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва

ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобига соддалаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентларни тасдиқлаш;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

бешинчидан, давлат хизматларини, шу жумладан олис жойларга чиқиш орқали («мобиль давлат хизматлари») кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан, мазкур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этишга қаратилган навбатни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ва ишларнинг узайтирилган графигидан фойдаланиш;

олтинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан тезкор алоқаларни, расмий сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларда он-лайн сўровларни ташкил қилиш;

еттинчидан, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида малакали кадрларни тизимли тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакасини, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг етакчи ихтисослашган муассасаларида стажировка ўташ орқали тизимли равишда оширишни ташкил этиш.

2. Қўйидагилар негизида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин:

38 та штат бирлиги сонига эга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари.

Қўйидаги маблағлар ҳисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг 24 та штат бирлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналарининг 157 та мутахассис лавозими штат бирлиги Агентликка ўтказилсин.

3. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш, шунингдек,

идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш;

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

4. 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таъмоийли бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилсин, қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга «ягона дарча» таъмоийли бўйича, шу жумладан олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан;

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилади.

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш схемаси 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Агентлик фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2750-сон қарори билан ташкил этилган Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати тузилмасида умумий штат сони доирасида 4 та штат бирлиги билан Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда илғор халқаро амалиётни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларининг уларда Давлат хизматлари марказларини жойлаштиришни ҳам назарда тутган ҳолда намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари замонавий биноларини тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, энг аввало, давлат-хусусий шериклик шартларида қуриш чораларини кўрсин; янги бинолар фойдаланишга топширилгунга қадар Давлат хизматлари марказларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари биноларида, зарур ҳолларда эса — жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини сифатли кўрсатиш учун зарур шароитларни яратган ҳолда бошқа биноларда жойлаштиришни таъминласин.

9. Қуйидагилар:

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) 2-иловага мувофиқ;

2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов тас-

диқланган Комплекс чора-тадбирлар ва Рўйхатнинг амалга оширилиб борилишини ҳар ойда кўриб чиқсин.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2412-сон ва 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2750-сон қарорларига мувофиқ Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Рўйхатда кўрсатилган масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар белгиланган муддатларда:

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва бошқа актларнинг намунавий шакллари, бланкаларини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат хизматларининг тегишли турларини кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинadиган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб этиш бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар муддатда Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиришни таъминласин.

Белгилансинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар уларнинг Давлат хизматлари ягона реестрида рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди, 2018 йил 1 июндан бошлаб эса мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Адлия вазирлигига халқаро ва хорижий ташкилотлар билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун техник қўмаклашиш маблағлари ва грантларни жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширишда қўмаклашсин.

13. Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, «Ўзинжиниринг» Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун зарур ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий

этиш ва интеграция қилиш ва аппарат-дастурий комплексларни ўрнатишнинг концепцияси, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва техник топшириғи тайёрланишини ҳамда тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тасдиқланган концепция, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ва техник топшириқ асосида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари учун ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, аппарат-дастурий комплекслар ўрнатилишини таъминласин;

Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, серверлари ва бошқа ускуналарини инвентаризациядан ўтказиб, кейинчалик уларни Агентликнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин ва идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этсин;

Агентлик билан биргаликда унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказларини зарур видео, аудио ва бошқа ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин ҳамда реал вақт режимида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини масофадан кузатишни ташкил қилсин.

14. Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўрган ҳолда тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 декабрь,
ПФ-5278-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги
ПФ-5278-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик
деб юритилади) ва унинг ҳудудий бўлинмалари
фаолиятини мувофиқлаштириш
СХЕМАСИ**



**Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---------------------------------------|------------------------------|--|
| I. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш | | | | |
| 1. | Қуйидагилар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш: арз қилувчидан электрон ҳужжат, сўров, мурожаат қабул қилишни рад этганлик; давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатларини бузганлик; арз қилувчидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида назарда тутилмаган ҳужжатларни сўраб олганлик; давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органи ва бошқа ташкилотнинг қонуний талабларини (топшириқларини) бажармаганлик. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2018 йил 1 апрелга қадар | Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 2. | Давлат хизматлари кўрсатиш масалаларини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини инвентаризация қилиш. Инвентаризация яқунлари бўйича, шу жумладан илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 3. | Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали олинган ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан сўраб олинishi бекор қилинишини назарда тутган ҳолда маъмурий регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | Белгиланган муддатларда | Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 4. | Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда Марказлар деб юритилади) орқали давлат хизматлари кўрсатиш учун намунавий шакллар ва бланкаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар | Белгиланган муддатларда | Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| II. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш | | | | |
| 5. | Барча давлат хизматларини инвентаризациядан ўтказиш ва уларни Давлат хизматлари ягона реестрига киритиш. | Адлия вазири буйруғи | 2018 йил 1 февралга қадар | Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|--|--|-------------------------------------|----------------------------|--|
| 6. | Электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишда ягона шакллар, бланкалар, ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар | 2018 йил 1 июнга қадар | Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 7. | Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 майга қадар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 8. | Статистик маълумотларга ишлов бериш жараёнлари автоматлаштириш даражасини ошириш мақсадида статистик маълумотларнинг ишлов бериш ва сақлашнинг комплекс ахборот тизимини яратиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 июнга қадар | Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 9. | Давлат солиқ хизмати органлари ваколатига тегишли масалалар бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида улар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 июнга қадар | Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 10. | Давлат божхона хизмати органлари ваколатига тегишли масалалар бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида улар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 июнга қадар | Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 11. | Маълумотлар алмашинуви жараёнини такомиллаштириш ва тезлаштириш мақсадида ваколатли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш. | Чора-тадбирлар режаси | 2018 йил 1 апрелга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 12. | Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида персоналлаштирилган электрон давлат хизматларини ҳисобга олган ҳолда устувор давлат хизматлари рўйхатини белгилаш ва жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 сентябрга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 13. | «Лицензия» комплекс ахборот тизимини, шу жумладан қоғоз лицензиялар ва рухсатномалар берилишини бекор қилган ҳолда янада такомиллаштириш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 ноябрга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| III. Марказлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, моддий-техника базасини яхшилаш, улар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш | | | | |
| 14. | Компьютер ускуналари ёки Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларга давлат хизматлари тақдим этиш учун Марказларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда инфокиосклар билан таъминлаш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|-------------------------|---|--|
| 15. | Давлат хизматларини олишда аҳоли вақтини тежаш мақсадида Марказларда электрон навбат тизimini жорий этиш, шунингдек, қўшимча қулайликлар яратиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 февралга қадар | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 16. | Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматларидан аҳолининг ҳамма жойда фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида Android ва IOS платформалари учун мобиль иловалар ишлаб чиқиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 майга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 17. | Давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, шу жумладан реал вақт режимида Марказ томонидан ҳужжатлар тўхтовсиз қабул қилинишини таъминлаш учун Марказлар ишининг узайтирилган графигини жорий этиш. | Адлия вазири буйруғи | 2018 йил 1 февралга қадар | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 18. | Тезкор алоқалар, расмий веб-саҳифалардаги Интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловалар ёрдамида аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизimini ташкил этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 майга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 19. | Реал вақт режимида давлат хизматлари кўрсатилиши устидан масофадан видеокузатув, мониторинг, ушбу соҳада сифат ва тезкорликни баҳолаш механизмларини жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 майга қадар | Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 20. | Давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида барча Марказлар, шунингдек, Марказлар орқали давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг оптик линияли алоқа каналларига уланишини таъминлаш. | Тадбирлар режаси | Марказлар — 2018 йил 1 мартга қадар, Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлар — белгиланган муддатларда | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 21. | Давлат хизматлари ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича ягона ёндашувни қўллаган ҳолда Марказларнинг мавжуд ахборот тизимларини модернизация қилиш. | Тадбирлар режаси | 2018 йил 1 мартга қадар | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 22. | Давлат хизматлари турлари бўйича старли «ойна»лар, кутиш жойлари, Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти бўлган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчаклари, она ва бола хоналари, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит, тўхташ жойи ҳамда бошқа зарур инфратузилмаларни ўз ичига олган Марказларнинг замонавий бинолари намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | Лойиҳаларни тасдиқлаш | 2018 йил 1 апрелга қадар | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги |
| 23. | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида Марказлар фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар киритилган стендларни жойлаштириш. | Ташкилий тадбирлар | 2018 йил 1 февралга қадар | Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|--|--|-----------------------------------|---|
| 24. | Давлат хизматлари кўрсатиш учун олис жойларга чиқиш орқали мобиль Марказлар ташкил этиш. | Автобуслар харид қилиш ва жиҳозлаш, йўналишлар жадвалини тасдиқлаш | 2018 йил 1 июнга қадар | Адлия вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ |
| 25. | Марказлар биноларида ваколатли органлар ходимларини, шу жумладан биттадан кам бўлмаган туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри, ички ишлар органларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати вакилини давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида уларни зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаган ҳолда ижара тўловсиз жойлаштириш, шунингдек, Марказлар биноларида улар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатларини қоплаш. | Тадбирлар режаси | 2018 йил 1 апрелга қадар | Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, ИИБ, Адлия вазирлиги |
| 26. | Марказларнинг мавжуд биноларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда уларни реконструкция қилиш ва Марказларнинг янги бинолари қуриш заруратини аниқлаш. | Комплекс чора-тадбирлар | Графикка мувофиқ | Адлия вазирлиги |
| 27. | Хизмат талабгорларининг ишончи ва ҳуқуқий онги даражасини ошириш мақсадида Марказлар фаолиятини тарғиб қилиш учун ижтимоий роликлар тайёрлаш. | Ижтимоий роликлар тайёрлаш | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги, МТРК, ЎЗА, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги |
| 28. | Марказларга бўлаётган телефон қўнғироқларини ёзиб олиш имконияти билан уларнинг автоматлаштирилган рўйхатга олиншини жорий этиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 июнга қадар | Адлия вазирлиги |
| IV. Марказларнинг кадрлар ва касбий салоҳиятини мустаҳкамлаш | | | | |
| 29. | Ходимлар, шунингдек, Марказлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий этиш. | Адлия вазири буйруғи | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги |
| 30. | Марказлар логотипини, шунингдек, улар ходимларининг махсус хизмат кийимларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Адлия вазири буйруғи | 2018 йил 1 июнга қадар | Адлия вазирлиги |
| 31. | Марказлар ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш, шунингдек, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. | Режа-график | Доимий равишда | Адлия вазирлиги, ТИБ, ИИБ, вазирликлар ва идоралар |
| 32. | Ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Марказлар ходимлари учун давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича тренинглар ва семинарлар ташкил этиш. | Тадбирлар режаси | 2018 йил 1 мартга қадар тасдиқлаш | Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |

**2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари
марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Давлат хизматларининг номланиши | Жорий этиш муддати | Хизматлар истеъмолчилари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|--------------------------------|-----------------------------|--|
| 1. | Муҳандислик-коммуникация тармоқларига «тайёр ҳолда» уланиш | 2018 йил 1 апрелга қадар | Жисмоний ва юридик шахслар | Газ таъминоти, энергия таъминоти, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, канализация ташкилотлари |
| 2. | Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси |
| 3. | Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 4. | Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 5. | Лойиҳа ҳужжатларини келишиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 6. | Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 7. | Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 8. | Қурилиши тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| 9. | Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 10. | Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги |
| 11. | Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсат бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари |

| Т/р | Давлат хизматларининг номланиши | Жорий этиш муддати | Хизматлар истъомчилари | Масъул ижрочилар |
|-----|--|----------------------------|--|---|
| 12. | Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш | 2018 йил 1 сентябрга қадар | Жисмоний шахслар | Мактабгача таълим вазирлиги |
| 13. | Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | «Халқ банки» АТБ |
| 14. | Туғилганликни қайд этиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Адлия вазирлиги |
| 15. | Адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга аподиль қўйиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 16. | ФХДЁ ва нотариат органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 17. | Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Ички ишлар вазирлиги |
| 18. | Жисмоний шахс — солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа қарзи йўқлиги (борлиги) ҳақида маълумотнома бериш | | Жисмоний шахслар | Давлат солиқ қўмитаси |
| 19. | Жисмоний шахсларга СТИР бериш | Жисмоний шахслар | Ички ишлар вазирлиги | |
| 20. | Турган жойи бўйича прописка қилиш, пропискадан чиқариш, ҳисобга олиш | Жисмоний шахслар | | |
| 21. | Вақтинча яшаш (прописка) учун рухсатномаларни бериш ва муддатини узайтириш | Жисмоний шахслар | | |
| 22. | Ҳарбий ҳисобга қўйиш | Жисмоний шахслар | Мудофаа вазирлиги | |
| 23. | Электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич) ускунасини ўрнатишга ариза бериш | Жисмоний ва юридик шахслар | «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги | |
| 24. | Электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш ускунаси (ҳисоблагич)ни ечишга ариза бериш | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 25. | Электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш ускунаси (ҳисоблагич)ни текширишга ариза бериш | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 26. | Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш | Жисмоний шахслар | Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси | |
| 27. | Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш | 2019 йил 1 июлга қадар | Жисмоний шахслар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар |

| Т/р | Давлат хизматларининг номланиши | Жорий этиш муддати | Хизматлар истеъмолчилари | Масъул ижрочилар |
|-----|---|--------------------------|----------------------------|--|
| 28. | Хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификация қилиш (эквивалентликни белгилаш) | | Жисмоний шахслар | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| 29. | Ўзгалининг парваришига муҳтож бўлган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда имтиёзли даволаниш ва йўлланмаларни расмийлаштириш | | Жисмоний шахслар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 30. | Меҳнат органларида фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш | | Жисмоний шахслар | |
| 31. | Ишсизлик нафақасини тайинлаш | | Жисмоний шахслар | |
| 32. | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома | | Жисмоний шахслар | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги |
| 33. | Ўқиганликни тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси бериш | 2020 йил 1 январга қадар | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 34. | Иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | «Ўзархив» агентлиги |
| 35. | Иш ҳақини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 36. | Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг дубликатини бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар |
| 37. | Ихтирога патентлар олиш | 2020 йил 1 июлга қадар | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 38. | Фойдали моделга патентлар олиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 39. | Саноат намунасига патентлар олиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 40. | Селекция ютуғига патентлар олиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | Интеллектуал мулк агентлиги |
| 41. | Товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |
| 42. | Товар белгисига доир гувоҳнома олиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | |

| Т/р | Давлат хизматларининг номланиши | Жорий этиш мuddати | Хизматлар истеъмолчилари | Масъул ижрочилар | |
|-----|---|----------------------------|----------------------------|------------------|---|
| 43. | Интеграл микросхемалар топологияси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олиш | 2020 йил 1 ноябрга қадар | Жисмоний ва юридик шахслар | Адлия вазирлиги | |
| 44. | ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини олиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 45. | Ўлимни қайд этиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 46. | Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 47. | Такрорий гувоҳномалар бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 48. | Никоҳ тузишни қайд этиш | | Жисмоний шахслар | | |
| 49. | Никоҳдан ажралишни қайд этиш | | Жисмоний шахслар | | |
| 50. | Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш | | Жисмоний шахслар | | |
| 51. | Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувини тиклаш | | Жисмоний шахслар | | |
| 52. | Оталикни белгилаш | | Жисмоний шахслар | | |
| 53. | Фарзандликка олиш | | Жисмоний шахслар | | |
| 54. | Пенсия тайинлаш (ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик бўйича) | | Жисмоний шахслар | | Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси |
| 55. | Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси |
| 56. | Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳнома бериш | | Жисмоний ва юридик шахслар | | |
| 57. | Кўчмас мулкка ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги кадастр ишини тайёрлаш | Жисмоний ва юридик шахслар | | | |
| 58. | Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш | Жисмоний ва юридик шахслар | Ички ишлар вазирлиги | | |

Изоҳ: маскур Рўйхатда назарда туғилган давлат хизматлари кўрсатиладиган Давлат хизматлари марказлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан идоралараро электрон ҳамкорлик ҳолатидан, шунингдек, Марказлар бино ва иншоотларининг тайёрлиги -

дан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан белгиланади.

Ушбу Рўйхатга Давлат хизматлари марказлари бино ва иншоотларининг тайёрлигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг раҳбари томонидан тузатишлар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**1226 Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

биринчи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириктириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

иккинчи, вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларини субвенциядан чиқариш, уларнинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

учинчи, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

тўртинчи, депутатлик ва жамоат назоратни кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

бешинчи, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманлари (шаҳарлари) халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 13 декабрда эълон қилинган.

а) қуйидагилар йил чорақлари кесимида атрофлича кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

даромадлар манбалари ва харажатлар турлари кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туманларининг (шаҳарларининг) маҳаллий бюджетлари параметрлари;

маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, бюджетнинг даромадлар базасини ошириш ва янги иш жойлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар;

қўшимча манбалар, шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш резервларини аниқлаш ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан боғлаган ҳолда;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, республиканинг тегишли туманларида (шаҳарларида) депутатлик ва жамоат назоратини амалга ошириш учун юқори турувчи бюджетлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳалар маъқулланади;

в) ҳар чорақда:

хокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, бюджетнинг даромадлар базасини ошириш ва янги иш ўринлари барпо этиш бўйича;

хокимнинг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича;

молия бошқармалари (бўлимлари) раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлари (шаҳарлари) бюджетлари ижроси тўғрисида, шунингдек, ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш ҳамда қўшимча манбалардан фойдаланиш йўналишлари, жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг аниқланган резервлари тўғрисида;

давлат солиқ бошқармаси (инспекцияси) раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланган ва амалда тўланганлиги, улар бўйича солиқ қарздорлиги тўғрисида ҳисоботлари тингланади.

3. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига жавобгарлик ва рағбатлантириш чоралари кўрилсин, у қуйидагиларни назарда тутати:

а) солиқ ва молия органлари раҳбарларини уларнинг лавозим маошларидан 50 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилгани учун 10 фоиз миқдорда;

бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги қисқартирилгани учун 20 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилгани учун 20 фоиз миқдорда;

б) юқорида кўрсатилган мезонларнинг ижроси таъминланмагани учун уларнинг лавозим маошларидан 30 фоиз миқдорда жарима санкцияларини қўллаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет прогнози бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги оширилгани учун 10 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда.

Молия ва солиқ органлари раҳбарларини мукофотлаш ҳамда жавобгарлик чораларини қўллаш молия вазири ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг тавсияларига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йилнинг 1 январигача молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахслари бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда қўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

маҳаллий бюджет параметрларини бажариш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини сафарбар қилиш, тасдиқланган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек, ахборотларни расмий веб-сайтларда ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш;

солиқ ва молия органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва жавобгарлигини кучайтириш бўйича мазкур Фармонда ўрнатилган талабларга қатъий риоя этилиши устидан тизимли асосда назоратни амалга оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳар чоракда тегишли органлар раҳбарларининг ҳисоботларини оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш, шу жумладан, мазкур тадбирларни маҳаллий телевидение орқали ёритишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сонли Фармонининг еттинчи банди ва унинг 4-илоvasи ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 декабрь,
ПФ-5283-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

1227 **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5278-сон Фармони ижро этиш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) марказий апаратининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Агентлик ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган штатлар сони 2 ва 2а-иловаларга мувофиқ;

Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг (кейинги ўринларда Марказлар деб юритилади) намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ходимларнинг чекланган сони қўйидаги миқдорларда белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Агентликнинг марказий аппарати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган 45 та бирлик;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан молиялаштириладиган 174 та бирлик.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори мақоми ва меҳнат ҳақи шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига тенглаштирилсин.

3. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини қонун ҳужжатлари ва маъмурий регламентлар талабларига риоя этилиши нуқтаи назаридан текшириш;

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

Марказлар орқали уларнинг бинолари ва туташ ҳудудларида реклама фаолиятини, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш.

4. Қуйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божи суммалари, шунингдек, Марказлар ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва барча турдаги йиғимлар суммасининг 20 фоизи миқдоридagi маблағлар;

адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари; қонун ҳужжатларига мувофиқ пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

мансабдор шахслар давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлиги учун қўлланиладиган маъмурий жарима суммалари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари жойлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда Агентлик тўғрисидаги низомни, шунингдек, 2018 — 2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган, «ягона дарча» тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

бир ой муддатда давлат хизматлари кўрсатиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**


Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 декабрь,
ПҚ-3430-сон

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари
агентлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари
агентлиги ҳудудий бошқармаларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони 11 — 14 бирликни ташкил этади.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармалари ходимларининг умумий сони — 174 бирликни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги
ПҚ-3430-сон қарорига
2а-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармалари
бошқарув ходимларининг
ЧЕКЛАНГАН ШТАТЛАР Сони**

| Т/р | Ҳудуд номи | Штат бирликлари сони |
|------------|------------------------------|---------------------------------|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 13 |
| 2. | Андижон вилояти | 13 |
| 3. | Бухоро вилояти | 12 |
| 4. | Жиззах вилояти | 11 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 13 |
| 6. | Навоний вилояти | 12 |
| 7. | Наманган вилояти | 12 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 13 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 12 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 11 |
| 11. | Тошкент вилояти | 13 |
| 12. | Фарғона вилояти | 13 |
| 13. | Хоразм вилояти | 12 |
| 14. | Тошкент шаҳар | 14 |
| | Жами | 174 |

**Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



* Изоҳ: шўъбаларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари билан келишиладиган миқдорда ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан хизмат сафарига юбориладиган ходимлар фаолият кўрсатади.

Штат бирликлари умумий сони — 3 — 18 бирлик,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 3 — 15 бирлик.

Туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари
ходимларининг умумий сони — 1 750 бирлик.

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****1228 «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасининг низомини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 августдаги ПҚ–3176-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси кузатув кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг бош директори Ф.Ш. Зокиров зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 декабрь,
976-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 декабрдаги 976-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги
Миллий кинематографияни ривожлантириш
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма миллий кино маҳсулотларини яратишнинг белгиланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари прогноз кўрсаткичларининг тегишли қисмини молиялаштириш, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасини сақлаш харажатларини қоплаш, Агентлик тизимидаги кинематография объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кинематография соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида очилган «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ягона шахсий ҳазна ҳисобварағида жамланади ва мазкур Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларни намойиш этиш мобайнида жойлаштириладиган тижорат эълонларидан тушадиган маблағларнинг 10 (ўн) фоизига тенг миқдордаги мажбурий ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

Агентлик томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотлар-

нинг хомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

5. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш унинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

7. Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларни молиялаштириш учун сарфланади:

миллий кино маҳсулотларини яратишнинг белгиланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари прогноз кўрсаткичларининг тегишли қисмини молиялаштириш;

Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасини сақлаш харажатларини молиялаштириш. Бунда, ушбу уюшма ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори Кузатув кенгаши билан келишилади;

кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузурида атоқли кино ижодкорларни жалб қилган ҳолда кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида малака ошириш курслари ва «Маҳорат мактаблари»ни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш;

ёш, истеъдодли ва истикболли кино ижодкорларнинг етакчи хорижий таълим муассасаларида таҳсил олиши билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш;

республика, ҳудудий ва давлатлараро аҳамиятга эга маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, миллий кинематографияни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва режаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;

Агентлик тизимидаги кинематография ташкилотларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шу жумладан, миллий кино маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун замонавий кино технологиялар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар харид қилиш;

Агентлик ҳузуридаги Бадий кенгаш аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

миллий фильмларни хорижда кенг тарғиб қилиш ва халқаро кинофестиваллардаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтадиган кинематографияни ривожлантиришга доир хорижий ва халқаро тадбирлар ҳамда учрашувларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган миқдорларда

Агентлик ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Жамғарма маблағлари «Ўзбеккино» Миллий агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳам ишлатилади.

4-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш

8. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Агентлик бош директори раислик қилувчи Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Кузатув кенгаши унинг мажлисида ушбу Кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади.

9. Кузатув кенгаши:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди; ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини белгилайди;

зарур ҳолларда тасдиқланган харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритади.

10. Кузатув кенгаши мажлиси ҳар чорақда бир маротаба, зарур бўлганда навбатдан ташқари чақирилади.

11. Жамғарма маблағларини бошқариш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш Агентликнинг Иқтисодий таҳлил, молиялаштириш ва жамғарма маблағларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) томонидан амалга оширилади.

12. Бошқарма:

Жамғарманинг маблағлари ҳисоби юритилишини таъминлайди;

Жамғарма фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди;

Кузатув кенгашига Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини молиялаштириш тўғрисида таклифлар киритади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот, назорат ва жавобгарлик

13. Жамғарма бўйича маблағлар тушуми ва харажатлари ҳисоби Агентлик томонидан алоҳида юритилади.

14. Агентлик томонидан ҳар чорақда кейинги ойнинг 15-қунигача Жамғарма маблағларининг жамланиши ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни Кузатув кенгашига тақдим этади.

15. Ҳисоботлар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-қунигача Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

16. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

17. Жамғарма маблағларининг сарфланишида Агентлик:

Жамғарма маблағлари бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб беради.

18. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

19. Жамғарма маблағларининг тўғри шакллантирилиши ва фойдаланилиши юзасидан назорат белгиланган тартибда давлат молиявий назорат органи томонидан амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Жамғармани тугатиш ёки қайта тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Жамғарма маблағларидан фойдаланишда келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 декабрдаги 976-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий
кинематографияни ривожлантириш жамғармаси
Кузатув кенгашининг
ТАРКИБИ**

- Ф.Ш. Закиров — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори, *Кенгаш раиси*
- Н.Ж. Маҳмудов — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори ўринбосари, *Кенгаш раиси ўринбосари*
- А.А. Турдиев — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими
- А.А. Фозилов — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармасининг бошлиғи
- О.А. Абдушукуров — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Ёш кино ижодкорлар кенгаши раиси
- М.М. Мухторов — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Кино лойиҳаларни тематик режалаштириш, фильмларни эксперт баҳолаш ва лицензиялаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари
- Ш.О. Келдибоев — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Иқтисодий таҳлил, молиялаштириш ва жамғарма маблағларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, *Кенгаш котиби*.

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Кенгаш таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1229** Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти-
да актёрлик санъати таълим йўналишида махсус
сиртқи бўлимни ташкил этиш тўғрисида*

Республикадаги барча театрларни етук ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, театрларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва уларни тайёрлаш тизимини сифатли ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида (кейинги ўринларда Институт деб аталади) актёрлик санъати таълим йўналишида махсус сиртқи бўлимни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги Институтда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб актёрлик санъати таълим йўналишида махсус сиртқи бўлим учун қабул квоталарини белгиланган тартибда шакллантирсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ–3389-сон қарорига мувофиқ 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Институтнинг актёрлик санъати таълим йўналишидаги махсус сиртқи бўлимга ушбу ёки турдош таълим йўналишлари бўйича ўрта махсус, касб-хунар маълумотига, театр ва бошқа маданият муассасаларида таълим йўналишига мувофиқ камида уч йил амалий иш стажига ҳамда белгиланган тартибда тавсияномага эга бўлган иқтидорли абитуриентларни қабул қилиш кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга оширилади;

Институтда махсус сиртқи таълим жараёнини ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади;

махсус сиртқи таълим шаклида ўқиш тўлов-контракт асосида ташкил этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Институтнинг махсус сиртқи бўлимига талабаларни қабул қилиш жараёни юқори савияда ташкил этилишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 12 декабрда эълон қилинган.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил 1 июнгача:

махсус сиртки бўлим ўқув режаси ва фан дастурларини тасдиқлаш, шунингдек, уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш;

махсус сиртки бўлимда дарс беришга юқори салоҳиятга эга бўлган етакчи мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммаларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 декабрь,
977-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1230 Тошкент вилоятининг айрим аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Тошкент вилоятининг айрим аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 18-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент вилоятининг иловада кўрсатилган аҳоли пунктлари (кейинги ўринларда аҳоли пунктлари деб аталади) бўйича бош режа лойиҳаси ишлаб чиқиладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Аҳоли пунктлари бўйича бош режа лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

аҳоли пунктлари худудлари учун куйидаги вақтинчалик тақиқлар жорий этилсин:

жисмоний ва юридик шахсларга қурилиш учун ер ажратиш;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар, шу жумладан муҳандислик-коммуникация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш, шунингдек, уларга рухсатномалар бериш;

ўзбошимчалик билан қурилган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш, бундан суд қарори асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган 2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳолларда эгалик ҳуқуқи берилиши ҳоллари мустасно.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тақиқлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди;

аҳоли пунктларида жойлашган кўчмас мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишда тарафлар жорий этилган тақиқлар ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилади;

аҳоли пунктлари бўйича бош режани тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган кундан бошлаб ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган ҳаракатлар тасдиқланган бош режа асосида амалга оширилади.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти тўғрисида мазкур аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бурсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, адлия вазири Р.К. Давлетов, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев ҳамда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 декабрь,
981-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 декабрдаги 981-сон қарорига
ИЛОВА

**Бош режа лойиҳаси ишлаб чиқиладиган
Тошкент вилоятининг аҳоли пунктлари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Қишлоқ фуқаролар йиғинлари номи | Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи |
|------------------------|---------------------------------|----------------------------------|
| Зангиота тумани | | |
| 1. | Ўзгариш | Беларик |
| 2. | | Юқори дархон |
| 3. | | Паст дархон |
| 4. | | Файзли |
| 5. | | Жалойир |
| 6. | | Чорбоғ |
| 7. | Хонобод | Кумариқ |
| 8. | | Хонобод |
| 9. | | Қорасув |
| 10. | | Истиқлол |
| 11. | | Номданак |
| 12. | | Қушбеги |
| 13. | | Тараққиёт |
| 14. | | Хонободтепа |
| 15. | | Тошкент |
| 16. | | Сохибкор |
| 17. | | Нурафшон |
| 18. | Зангиота | Гулбоғ |
| Қибрай тумани | | |
| 1. | Ўнқўрғон | Парвоз |
| 2. | | Ўнқўрғон |
| 3. | Салар | Исломобод |
| 4. | | Ойбек |
| 5. | | Салар ГЭС |
| 6. | | Бобур |
| 7. | | Наврўз |
| 8. | | Бунёдкор |
| 9. | | Маърифат |
| 10. | Тузел | Чинор |
| 11. | | Товкенттепа |
| 12. | | Баҳор |
| 13. | | Аргин |
| 14. | | Миришкор |

| Т/р | Қишлоқ фуқаролар йиғинлари номи | Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи | |
|---------------------------|---------------------------------|----------------------------------|------------|
| 15. | | Ибрат | |
| 16. | | ТашИСТИ | |
| 17. | | Амир Темур | |
| 18. | | Мевазор | |
| 19. | | Гулзор | |
| 20. | | Гулбоғ | |
| 21. | | Янгиобод | Боғишамол |
| 22. | | | Алишеробод |
| 23. | | | Тўқайтепа |
| 24. | | | Жарбоши |
| 25. | Чингелди | | |
| 26. | Тараққиёт | | |
| 27. | Геофизика | | |
| Тошкент тумани | | | |
| 1. | Чоштепа | Сабзавот | |
| 2. | | Тутзор | |
| 3. | | Иқбол | |
| 4. | Ҳасанбой | Ҳасанбой гузари | |
| 5. | Юнусобод | Авлиё ота | |
| 6. | | Дархон | |
| Қуйичирчиқ тумани | | | |
| 1. | Тошлоқ | Сурум | |
| Ўртачирчиқ тумани | | | |
| 1. | Қумовул | Навоий | |
| 2. | | Нурафшон | |
| 3. | | Янги ҳаёт | |
| 4. | | Намуна | |
| 5. | | Гулзор | |
| 6. | | Бектемир | |
| 7. | | Жалойир | |
| 8. | | Хўжа | |
| Юқоричирчиқ тумани | | | |
| 1. | Арганчи | Оқовул | |
| 2. | | Даулбай | |
| 3. | | Жумабозор | |
| 4. | | Навоий | |
| 5. | | Усмонобод | |
| 6. | | Ободон | |
| 7. | | Гулистон | |
| 8. | | Дархон | |
| 9. | Истиқлол | Истиқлол | |

| Т/р | Қишлоқ фуқаролар йиғинлари номи | Маҳалла фуқаролар йиғинлари номи |
|-----------------------|---------------------------------|----------------------------------|
| 10. | | Гулобод |
| 11. | | Истиқбол |
| 12. | Суранкент | Аҳмад Яссавий |
| 13. | | Жалол тепа |
| 14. | | Қоратухум |
| 15. | | Тўқимбой |
| 16. | Тинчлик | Ийк-ота |
| 17. | | Гулбоғ |
| 18. | | Ёшлик |
| 19. | | Балиқчи |
| 20. | Бордонқўл | Жунсиз |
| 21. | | Болта |
| 22. | | Дўстлик |
| 23. | | Баҳор |
| 24. | | Қайтмас |
| 25. | | Миробод |
| 26. | | Бордонқўл |
| Янгийўл тумани | | |
| 1. | А.Ортиқов | Чортоғ |

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1231 Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги 864-сон «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
2017-66-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Адлия вазири**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
1-6/29-1434/8-сон

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирининг биринчи ўринбосари****О. УМАРОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
158-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлигининг
2017 йил 1 декабрдаги 2017-66,
1-6/29-1434/8 ва 158-мҲ-сон қарорига
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили
бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари
орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга
олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини
бериш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2015 йил 14 декабрдаги 358-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ–2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ва 2017 йил 23 октябрдаги 864-сон «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарорларига асосан тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан буён матнда «ягона дарча» марказлари деб юритилади) орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Ягона дарча» марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш» давлат хизмати сифатида кўрсатилади.

Ушбу давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) томонидан тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

электрон рақамли имзо (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини ЭРИнинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда ЭРИнинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

ЭРИнинг ёпиқ калити — ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда ЭРИни яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг очиқ калити — ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, ЭРИнинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИ калитининг сертификати — ЭРИнинг очиқ калити ЭРИнинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжат. ЭРИ калитининг сертификати электрон ҳужжат шаклида ва қоғоз ҳужжат шаклида тайёрланиши мумкин;

ЭРИ ёпиқ калитининг пароли — ЭРИ ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шартли белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг ёпиқ калити эгаси — ЭРИни яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига ЭРИ калити сертификати берилган жисмоний шахс;

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш — ЭРИ калитининг сертификатини амал қилишини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш ёхуд уни бекор қилиш.

3. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калитларининг сертификат-

ларини бериш ваколатли орган томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг (бундан буён матнда аризачилар деб юритилади) «ягона дарча» марказлари орқали берилган аризаларига асосан ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда Ягона портал деб юритилади) орқали берилган аризаларига асосан амалга оширилади.

4. «Ягона дарча» марказлари ҳамда ваколатли орган ўртасидаги ҳаракатлар ЭРИдан фойдаланилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали амалга оширилади.

5. ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун тўлов миқдори ваколатли орган томонидан оммавий оферта билан белгиланади.

ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун тўлов суммаси ваколатли органнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда унинг 10 фоизи ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус очилган шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ваколатли орган реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар «ягона дарча» марказлари ва ваколатли органнинг расмий сайтларида жойлаштирилади ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилади.

2-боб. ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги аризани тақдим этиш

6. Аризачи ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги аризани ваколатли органнинг оммавий офертаси билан олдиндан танишганидан сўнг, «ягона дарча» марказига ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси воситасида тақдим этади. Ягона портал орқали электрон шаклда берилган ариза ваколатли органга тўғридан-тўғри юборилади.

Аризачининг аризани тақдим этиши ваколатли органнинг оммавий офертасида белгиланган шартларга розилигидан далолат беради.

7. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилганидан сўнг уни бир иш соати мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органга идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборади.

3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш натижалари бўйича ЭРИ калити сертификатини бериш тартиби

8. Ваколатли орган «ягона дарча» марказидан аризани қабул қилиб олган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризани кўриб чиқади, ЭРИ калитининг сертификатини беради ёки ЭРИ калитининг сертификатини беришни асосли равишда рад этади.

9. Ваколатли орган аризани кўриб чиқишнинг ижобий натижаларига асосан ЭРИ калитларини рўйхатга олади ва ЭРИ калитининг сертификатини расмийлаштиради.

ЭРИ калити сертификатининг электрон хужжат шакли «ягона дарча» марказига идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборилади.

10. ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ваколатли орган томонидан аризада кўрсатилган мобилъ телефон рақамига смс хабар шаклида юборилади.

11. «Ягона дарча» маркази ваколатли органдан ЭРИ калитининг сертификатини қабул қилиб олган вақтдан бошлаб аризачини бир иш соати мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилади.

12. ЭРИ калити сертификатини олиш учун ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси «ягона дарча» марказига қуйидагиларни тақдим этади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юридик шахснинг вакили (юридик шахснинг раҳбари бундан мустасно) бўлса, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилия, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ушбу ЭРИ ёпиқ калити эгасига ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисидаги юридик шахснинг хати;

ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини электрон хужжат шаклида ёзиб қўйиш ва сақлаш учун ўзга маълумотлар манбаини.

13. «Ягона дарча» маркази ходими ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш вақтида қуйидагиларни амалга оширади:

ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжати (биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси, хорижий шахснинг гувоҳномаси) асосида унинг шахсини аниқлайди;

таркибида рўйхатга олинган ЭРИ калитлари ва электрон хужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификати бўлган файлни аризачи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаига ёзиб қўяди ва файлнинг ёзилганлигини текширади;

ЭРИ калитининг сертификатини қоғоз хужжат шаклида икки нусхада чоп этади ва ЭРИ ёпиқ калити эгасига ҳар бир нусхасини имзолаш учун беради;

ЭРИ ёпиқ калити эгаси томонидан имзоланган ЭРИ калитининг сертификати бир нусхасини қайтариб олади.

14. «Ягона дарча» маркази ходими ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш жараёнида аризачи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши, улардан нусха олиши ва ўчириши ҳамда ЭРИ ёпиқ калити эгасидан ЭРИ ёпиқ калити паролини сўраб олиши тақиқланади.

15. Ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

аризачининг хужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

аризачи тақдим этган аризада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун тўлов амалга оширилмаганлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, ЭРИ калитининг сертификатини бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномани унинг аниқ асосларини, рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этиш муддатларини ва қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда «ягона дарча» марказига ариза «ягона дарча» марказидан қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида юборади. Агарда аризачи томонидан ариза ваколатли органга тўғридан-тўғри Ягона портал орқали келиб тушган бўлса, ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома аризачининг ўзига Ягона портал орқали ариза қабул қилиниб олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида юборилади.

17. «Ягона дарча» маркази ваколатли органдан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризачини қонунчиликда белгиланган тартибда хабардор қилади.

18. ЭРИ калитининг сертификатини беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар аризачи томонидан бартараф этилган тақдирда, аризани қайта кўриб чиқиш аризачи томонидан «ягона дарча» марказига ёки Ягона портал орқали ваколатли органга рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда тақдим этилган ариза олинган вақтдан бошлаб мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Аризани қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ЭРИ калити сертификатини беришни илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишига йўл қўйилмайди.

19. Аризачи ваколатли органнинг ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномаси, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

4-боб. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш

20. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги ариза «ягона дарча» марказига ҳозир бўлиш тартибида берилади.

21. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юридик шахснинг вакили (юридик шахснинг раҳбари бундан мустасно) бўлса, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилия, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги юридик шахснинг хати.

22. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида «ягона дарча» марказининг ходими қуйидагиларни амалга оширади:

агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси жисмоний шахс ёки юридик шахснинг

раҳбари бўлса, шахсини тасдиқловчи ҳужжати (биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси, хорижий шахснинг гувоҳномаси) асосида унинг шахсини аниқлайди.

23. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилгандан сўнг уни бир иш соати мобайнида ваколатли органга юборади.

24. Ваколатли орган «ягона дарча» марказидан ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиб олган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида аризани кўриб чиқади ва аризада кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификати билан зарур бўлган ҳаракатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

25. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари ва ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан «ягона дарча» марказига электрон ҳужжат шаклида юборилади.

26. «Ягона дарча» маркази ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар олинган вақтдан бошлаб бир иш соати мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аризачини хабардор қилади.

5-боб. Қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификатлари билан ишлаш

27. «Ягона дарча» маркази қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификатини электрон кўринишда ваколатли органга идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборади.

28. Ваколатли орган қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитларининг сертификатларини сақлаш учун «ягона дарча» марказларидан ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Электрон рақамли имзолар сертификатлари реестри бўйича ҳар чоракда чорак ўтгандан кейинги ойнинг 25 санасигача қабул қилиб олади.

6-боб. «Ягона дарча» марказлари ходимларига ЭРИ калитининг сертификатларини бериш ва уларни бошқариш

29. Ваколатли орган «ягона дарча» марказларининг ходимларига ушбу Низомда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатларини ҳудудий адлия бошқармаларининг хатлари асосида бепул равишда беради.

30. «Ягона дарча» марказларининг ходимларига ЭРИ калитлари ва ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш ваколатли органнинг ходими томонидан жойларда ёки ваколатли органда амалга оширилади.

31. Ваколатли орган томонидан «ягона дарча» марказлари ходимларининг ЭРИ калитлари сертификатларини бошқариш ҳудудий адлия бошқар-

маларининг хатлари ва ЭРИ калитлари сертификатларининг нусхалари асосида амалга оширилади.

7-боб. Яқуний қоидалар

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

33. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2017 йил 1 декабрь

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш давлат хизматини кўрсатиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|-----------|-----------------------|--|--|
| 1-босқич | Аризачи | «Ягона дарча» марказига ариза бериш | аризачининг хоҳишига кўра |
| 2-босқич | «Ягона дарча» маркази | <ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат хизмати паспортга мувофиқ аризанинг тўлиқлигини текшириш. 2. Аризани унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берган ҳолда Электрон журналда рўйхатдан ўтказиш. 3. Аризачига аризанинг олингани тўғрисида тилхат бериш ёки унинг нусхасига белги қўйиш. 4. Аризани сканерлаш ва уни ЭРИ билан тасдиқлаш. 5. Аризани электрон шаклида ваколатли органга юбориш. | бир иш соати мобайнида |
| 3-босқич | Ваколатли орган | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аризани олиш ва уни белгиланган тартибда кўриб чиқишни таъминлаш. 2. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калити сертификатини расмийлаштириш ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини тайёрлаш. 3. ЭРИ калити сертификатини ЭРИ калитлари сертификатлари реестрига киритиш ва уни расмийлаштириш. 4. ЭРИ сертификатини ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини электрон тарзда «ягона дарча» марказига юбориш. | Аризани олгандан кейин бир иш соати мобайнида |
| 4-босқич | «Ягона дарча» маркази | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ваколатли органдан ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабаблар билан рад этиш хабарномасини олиш. Аризачини аризада кўрсатилган усулда хабардор қилиш. 2. ЭРИ ёпиқ калити эгасига ҳозир бўлиш тартибда ЭРИ калитларини ва ЭРИ сертификатини ўзга маълумотлар манбаига ёзиш. Қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калити сертификатини расмийлаштириш ва ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш. 3. Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг электрон журналига тегишли ёзувларни киритиш. | Аризани кўриб чиқиш натижалари олингандан кейин бир иш соати мобайнида |

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча»
тамойили бўйича давлат хизматлари
кўрсатиш ягона марказлари орқали
электрон рақамли имзолар калитларини
рўйхатга олиш ва электрон рақамли
имзолар сертификатларини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамайили бўйича
давлат хизматлари кўрсатиш _____ туман (шаҳар) ягона маркази
орқали 201__ йил __ чорақда берилган электрон рақамли имзолар
калитлари сертификатлари
РЕЕСТРИ**

| Т/р | ЭРИ ёпиқ калити эгасининг Ф.И.Ш. | Берилган сана | ЭРИ калити сертификати- нинг рақами | ЭРИ калити сертификати- нинг амал қилиш муддати | Изоҳ |
|-----|-------------------------------------|------------------|---|--|------|
| | | | | | |
| | | | | | |

Ваколатли органга _____ та қоғоз ҳужжат шаклидаги имзоланган ЭРИ
сертификатлари топширилди.

Топширди

Қабул қилди

(«ягона дарча» маркази ходимининг Ф.И.Ш.)

(ваколатли орган ходимининг Ф.И.Ш.)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1232 Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 августдаги 679-сон «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПФ–5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3024-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 22 октябрдаги 33-сон қарори (рўйхат рақами 2725, 2015 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 14 ноябрь,
8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасининг
2017 йил 14 ноябрдаги 8-сон қарорига
ИЛОВА

**Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини
тайёрлаш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3, 5, 7, 29, 41, 42 ва 48-бандлардаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4, 6, 10 ва 46-бандлардаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 47-банддаги «туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-илласига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. 9-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-илласига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. 10-илова мазкур ўзгартиришларнинг 3-илласига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қодаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қодаларига
1-ИЛОВА

НАМУНА

Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва келишиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20__ йил «__» _____ тумани (шаҳри)

Биз, _____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри
(минтақа номи)

давлат корхонасининг _____ туман (шаҳар)
(филиал номи)

филиали муҳандиси _____
(ижрочининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ва ер участкасининг ҳуқуқ эгаси _____
(юридик шахс вакилининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ қуйидагиларни аниқладик.
ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкаси _____ жойлашган.
(жойлашган манзили)

Ер участкасининг кадастр рақами _____
_____ га _____ га ер участкаси
(юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

(ер участкаси берилган ёки унга бўлган ҳуқуқнинг ўтиши тўғрисида ҳужжат номи, санаси, рақами)

мувофиқ _____ ҳуқуқи билан берилган,
(ер участкасини бериш мақсади, ҳуқуқ тури)

амалда ер участкасининг майдони _____ га ни ташкил қилади.

Ер участкаси _____ мақсадида фойдаланилмоқда, унинг экин ери
_____ га, боғ _____ га, узумзор _____ га, тутзор _____ га, яйлов
_____ га, қурилиш остидаги ва ҳовли ерлари _____ га, бошқа ерлар _____ га.

Ер участкасидан ҳужжатлар бўйича фойдаланиш мақсади _____,
амалда _____ мақсадида фойдаланилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг чекланиши _____
(ҳужжат номи, чеклаш мазмуни)

Ер участкасида _____
(ҳужжат номи, муҳофаза зонаси белгиланган объект тури, муҳофаза зонасининг майдони, фойдаланиш шarti)

Ер участкасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар
_____.

Ер участкаси чегараларининг таърифи _____.

Ер участкаси чегаралари бўйича ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгасининг ва чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгаларининг _____.
(эътирозлари йўқ / куйидаги эътирозлари мавжуд)

Ер участкасининг бошқа хусусиятлари _____.

Мазкур далолатномага унинг ажралмас қисми сифатида ер участкасининг _____ масштабдаги кадастр плани илова қилинмоқда.

Филиал муҳандиси _____.
(ижрочининг лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

Чегарадош ер участкаларига (фамилияси, исми, отасининг исми)

1. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

2. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

3. _____
(имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил «__» _____ даги
Ер участкаси чегараларини аниқлаш ва
келишиш далолатномасига
ИЛОВА

ЕР УЧАСТКАСИНИНГ КАДАСТР ПЛАНИ

_____ (юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Кадастр рақами _____

Ер участкасининг майдони _____ га

Масштаб _____

Ижрочи _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ер участкасининг ҳуқуқ эгаси _____
(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Чегарадош ер участкаларига бўлган ҳуқуқ эгалари:

(номи, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)».

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
9-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

_____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри
(минтақа номи)
давлат корхонасининг _____ туман (шаҳар) филиали
(филиал номи)

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА
КАДАСТР ЙИҒМАЖИЛДИ**

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи:

_____ (юрidik шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Кўчмас мулк объектидан фойдаланиш мақсади:

_____ т (ш).

20____ йил».

Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
3-ИЛОВА

«Кўчмас мулк объектларига кадастр
йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига
10-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

_____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри
(минтақа номи)
давлат корхонасининг _____ туман (шаҳар) филиали
(филиал номи)

**КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА
КАДАСТР ЙИҒМАЖИЛДИ**

Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ эгасининг номи:

_____ (юридик шахснинг тўлиқ фирма номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Кўчмас мулк объектидан фойдаланиш мақсади:

Филиал раҳбари _____

(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Филиал бош муҳандиси _____

(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ижрочи _____

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ т (ш).

20____ йил».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1233 Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 февралдаги 01/12-18/03, 20-сон қарори (рўйхат рақами 1668, 2007 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 128-модда) билан тасдиқланган Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
01/29-10/27-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

Молия вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
151-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг
2017 йил 15 ноябрдаги 01/29-10/27,
151-сон қарорига
ИЛОВА

**Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари)
50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни
ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик
ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги 165-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аудиторлик ташкилотларини устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига киритиш тартибини белгилайди.»

2. 3-банднинг биринчи хатбошисидаги, 4-банддаги, 13¹-банднинг учинчи хатбошисидаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1234 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазирнинг биринчи ўринбосари

О. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 ноябрь,
157-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2017 йил
16 ноябрдаги 157-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 22-банддаги «дорилар» деган сўз «дори воситалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 63-банднинг «б» ва «в» кичик бандлари чиқариб ташлансин.

3. 99-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«99. Оддий почта жўнатмаси жўнатувчига почта-касса аппарати қвитан-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

цияси ёки квитанция дафтари квитанцияси берилмасдан қабул қилинади, илова ҳужжатларига қўшимча ёзувлар ёзилмасдан жўнатилади ва адресатга тилхатсиз топширилади.

Рўйхатга олинadиган почта жўнатмаси ёки пул ўтказмасини қабул қилишда жўнатувчига почта-касса аппарати квитанцияси ёки квитанция дафтари-дан олинadиган квитанция берилади. Квитанция дафтари-дан олинadиган квитанция берилганда, квитанциянинг орқа томонида тақвим штемпели изи қўйилади. Рўйхат бўйича юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилинган почта жўнатмалари ва пул ўтказмаларига битта квитанция берилади. Битта жўнатувчи томонидан жўнатиладиган, бир вақтда бир нечта рўйхат бўйича қабул қилинадиган почта жўнатмалари, пул ўтказмаларига битта умумий ёки ҳар бир рўйхатга алоҳида квитанциялар ёзилади.»;

б) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 101-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«101. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси томонидан ўсимликлар ва ҳайвонлар карантини эълон қилинган жойларда сабзавотлар, мевалар, уруғлар, кўчатлар ва ўсимликлар, гўштдан қилинган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари солинган посилкалар қабул қилинмайди. Бу ҳақдаги ахборот почта алоқаси объектларида жойлаштирилади.».

5. 103-бандда:

а) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Юридик шахслардан қабул қилинган пул ўтказмалари, олувчининг аризасига биноан олувчининг пластик карточкасига ўтказиб берилиши мумкин.»;

б) олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Қуйидаги мазмундаги 104¹-банд билан тўлдирилсин:

«104¹. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида, ҳарбий қисмлар томонидан жўнатиладиган, оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хатлари белгиланган намунадаги махсус маркаланган почта конвертларида жўнатилади.».

7. 157-банднинг иккинчи хатбошисида «хизматчиларга ва» деган сўзлардан кейин «резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида, шунингдек» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 182-банд қуйидаги мазмундаги «ж¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж¹) почта, курьерлик жўнатмаси ёки пул ўтказмасида адресатнинг манзили тўлиқ кўрсатилмаганда ёки нотўғри кўрсатилганда;».

9. 186-бандда:

а) иккинчи хатбошидаги «прокурорнинг санкцияси ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбошидаги «қарор ёки ажрим» деган сўзлар «ажрим» сўзи билан алмаштирилсин;

в) тўртинчи хатбошидаги «қарор ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 3-илованинг 3-бандида:

а) «в» кичик бандда:

учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари» деган сўзлар «Маданият» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Табиатни» деган сўз «Экология ва атроф-муҳитни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йиғиш ва ов қилиш чекланган ёки вақтинчалик тақиқланган ўсимликлар ва ҳайвонлар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тегишли тақиқлар ва чекловлар амал қилиши даврида.»;

б) ўн иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маданий бойликлар бўлган почта, курьерлик жўнатмаларини жўнатишда, жўнатувчи почта алоқаси объектига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Бадий экспертиза бошқармасининг рухсатномасини тақдим этиши керак, бу рухсатнома почта, курьерлик жўнатмасининг ичига қўйилади.».

11. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1236 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПФ–5174-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бужораман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 9 февралдаги 8-сон буйруғи (рўйхат рақами 2660, 2015 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 10-сон, 121-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
157-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги
157-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банднинг учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (бундан буён матнда Республика йўл жамғармаси деб юритилади) ва Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (бундан буён матнда Республика йўл жамғармаси деб юритилади) ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 7-банддаги, 8-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 13-банднинг бешинчи хатбошисидаги ва 19-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» ва «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» деган сўзлар тегишлича «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига» ва «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3, 7 ва 16-иловаларнинг номидаги ҳамда 24-илованинг номи ва матнидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4, 8-иловаларнинг номидаги, 13-илованинг матнидаги, 17-илованинг номидаги, 18, 19, 20 ва 21-иловаларнинг матнидаги ҳамда 25-илованинг номи ва матнидаги «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» ва «Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» деган сўзлар тегишлича «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига» ва «Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 22-иловада:
3 422 110 298 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи»;
3 422 102 293 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи»;
3 430 101 332 қатор номидаги «хўжалик» деган сўз «иктисодий» деган сўз билан алмаштирилсин;
3 422 219 322 қатор номидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1237 **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/6-сон қарори (рўйхат рақами 2678, 2015 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 22-сон, 296-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 2 декабрь,
33/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
2 декабрдаги 33/3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга
рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадан «1998 йил 20 мартдаги ПФ–1979-сонли «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетиши-ни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-банднинг «а» кичик бандидаги «иловага» деган сўз «1-иловага» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 7-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Такдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлганда, Марказий банк томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган 09006-1 шакл бўйича рухсатнома расмийлаштирилади.».

3. Илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда 2-илова билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки томонидан жисмоний
 шахслар-резидентларга нақд хорижий
 валютани Ўзбекистон Республикаси худуди-
 дан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга кирити-
 лаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
 1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки томонидан жисмоний
 шахслар-резидентларга нақд хорижий
 валютани Ўзбекистон Республикаси худуди-
 дан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга
 1-ИЛОВА

**O'zbekiston Respublikasi
 Markaziy Bankiga**

ARIZA

Men _____
 (familiyasi, ismi va otasining ismi)

(pasport seriyasi, raqami, berilgan sanasi va uni bergan organning nomi)

_____ ga chiqishim munosabati bilan
 (davlat nomi, shahar)

(xorijiy valyuta turi, miqdori (raqam va so'z bilan))

miqdordagi naqd xorijiy valyutani O'zbekiston Respublikasi hududidan olib
 chiqishga ruxsat berishingizni so'rayman.

Xorijiy davlatga chiqishdan maqsad (asos) _____

Ketish sanasi: 20__ yil «____» _____.

Kelish sanasi: 20__ yil «____» _____.

F.I.O. _____
 (imzo)

20__ yil «____» _____.

Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки томонидан жисмоний
 шахслар-резидентларга нақд хорижий валю-
 тани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан
 ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга кирити-
 лаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
 2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
 Марказий банки томонидан жисмоний
 шахслар-резидентларга нақд хорижий валю-
 тани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан
 ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

Shakl:09006-1

Bankning emblemasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

_____ -sonli RUXSATNOMA

20__ yil «__» _____

Xorijga jo'nab ketayotgan _____ga

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

ushbu hujjat bo'yicha xorijga chiqish ruxsati bo'lgan pasporti _____

(seriyasi, nomeri)

_____ ko'rsatilganda

(berilgan vaqti, kim tomonidan berilgan)

(summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

(xorijiy valyutaning to'liq nomi)

miqdoridagi naqd xorijiy valyutani xorijga olib chiqishga ruxsat etiladi.

Ushbu ruxsatnoma bojxonaga topshirilishi shart.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki raisining
o'rinbosari

_____ (imzo)

M.O'.

QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS

BOSHQA SHAXSLARGA BERISH
TAQIQLANADI
UCH OY DAVOMIDA HAQIQIYDIR».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

1239 Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1551-5

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 21 февралдаги 39-сон буйруғи (рўйхат рақами 1551, 2006 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 11-сон, 88-модда) билан тасдиқланган Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошидаги «туман Фермерлар кенгаши» деган сўзлар «туман фер-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 15 декабрда эълон қилинган.

мер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур ўзгартириш «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2017 йил 4 декабрь,
41-сон

3. МИРЗАЕВ*Келишилган:*

*«Ўзпахтасаноат» акциядорлик
жамияти раиси*

А. МАКСУДОВ

2017 йил 4 декабрь

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

Б. ЮСУПОВ

2017 йил 4 декабрь

*«Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик
жамияти раиси*

У. АХУНОВ

2017 йил 4 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 9 декабрдан 15 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 1 декабрдаги 2017-66, 1-6/29-1434/8, 158-мх-сон «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзолар сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2955.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8-сон «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2017 йил 15 ноябрдаги 01/29-10/27, 151-сон «Устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига аудиторлик ташкилотларини киритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1668-5.

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2017 йил 16 ноябрдаги 157-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-7.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги

155-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қодаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-8.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 2 декабрдаги 33/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 2 декабрдаги 33/4-сон «Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қодалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 957-3.

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2017 йил 4 декабрдаги 41-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1551-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши

курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2027, 2009 йил 28 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2027-1, 2010 йил 2 февраль), (рўйхат рақами 2027-2, 2010 йил 19 ноябрь), (рўйхат рақами 2027-3, 2013 йил 28 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги 278-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

1. Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Нақд чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш қоидалари (рўйхат рақами 957, 2000 йил 17 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 957-1, 2000 йил 15 апрель), (рўйхат рақами 957-2, 2014 йил 20 август).

Адлия вазирининг 2017 йил 14 декабрдаги 454-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2003 йил 25 сентябрдаги 426-сон буйруғи билан тасдиқланган Дори тайёрлаш ва ишлаб чиқариш мақсадларида дори субстанцияларини Ўзбекистон Республикасида бир маротабалик қайд этиш бўйича вақтинчалик йўриқнома.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2003 йил 25 сентябрдаги 426-сон буйруғи билан тасдиқланган Дори воситаларини тайёрлашда ишлатиладиган ярим тайёр маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун махсус рухсатнома бериш бўйича вақтинчалик йўриқнома.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.